



# ИШОНЧ

51

1992 йил  
21—27 декабрь  
(90)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

«ИШОНЧ» мухбирлари хабар қиладилар:

**ЎЗБЕКИСТОН** алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг бўлиб ўтган пленумида касаба уюшмаларининг бозор иқтисодиётига ўтиш даври учун белгиланган ҳаракат дастурининг Бухоро вилояти тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси билан Тошкент вилояти бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан қандай бажарилаётганлиги масаласи муҳокама қилинди. Марказий Кўмита раиси Т. Н. Назаржонов маърузасида, Бухоро ва Тошкент вилоятлари тармоқ касаба уюшмаси кўмиталари раислари П. Хайдаров ва Л. И. Сердюкова ўртокларнинг ахборотларида ҳамда музокарада сўзга чиққанларнинг нутқларида ушбу вилоятларда алоқа соҳаси меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси соҳасида қилинган ишлар ва ҳозирги танглик пайтидаги вазифалар батафсил тавсиф этилди. Қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг Низомига баъзи бир қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Х. Собитов иштирок этди.

\*\*\*

**БОЗОР** иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш бош вазифа бўлиб қолди. Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги пленумида «Иш жойида меҳнаткашларнинг умумий овқатланишини ташкил этиш ва меҳнат шароити яратишнинг ҳозирги аҳволи ҳамда бу борада касаба уюшмаларининг долзарб вазифалари» ҳақидаги масала қараб чиқилди.

Маърузачи — кенгаш раиси Х. Абдурахимов ва сўзга чиққан нотиклар бу соҳадаги ҳолат юзасидан атрофлича фикр юритдилар.

Пленумда Наманган вилояти хокими Б. Рафикалиев нутқ сўзлади.



Ез гамини кишда еганнинг ошиғи олчи дом. Сурхондарё вилояти, Музробод район, Раим Бўриев номли давлат хўжалиги механизаторлари лалмикор ерларга кузги бугдой экишни ниҳоятда киска муддатда сифатли бажардилар. Уларга «Бахт» номли тезпишар, серхосил янги нав бугдойи учун 300 гектар ер ажратилган эди. Ўтган йили шу ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб териб олган эдилар. 1993 йил эса мазкур маррани бир ярим бор ошириш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Суратда: илғор механизаторлардан бири — Абдуназар Кенжаев.

Н. ХУЖАЕВ, (ЎЗА) олган сурат.

### Хабарлар мағзи



● **МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ** Президенти Ҳусний Муборакнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси Мисрда бўлди. Ташриф чоғида «Миср билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома»га имзо чекилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга машхур «Ал-Азҳар» до-рилфунунининг фахрий доктори унвони топширилди. Мамлакатимиз президенти «Ислоҳни муҳофаза қилиш

ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун» «Ал-Азҳар» до-рилфунуни руҳоний ҳайъатининг қарорига биноан бу юксак мукофот билан тақдирланди.

● **НУКУСДА** Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, табиати муҳофаза қилиш, ёшлар сиёсатининг асослари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, монополияни чеклаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов фармонида кўра хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваф-

фақиятлари, намунали ободчилик ишлари ҳамда ташкил этилганга 60 йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

● **НУКУС** шаҳри ташкилотлари, корхоналарининг бир гуруҳ ходимларига ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилди.



● **ЧЕРНОБИЛЬ** Атом станциясида ўтган яқшанба куни биринчи энергия блок қайтадан ишга туширилди.

● **РОССИЯДА** қиймати 5000 сўм бўлган қалбаки пуллар

пайдо бўлди. Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг хабарига кўра, бу қалбаки пулдаги бўёқлар намга чидамсиз бўлиб, ҳўллаб артилса, унинг ранги кетиб қолар экан.

● **ТУРКМАНИСТОНДА** 1993 йил 2 январдан бошлаб электр энергияси, газ, сувдан фойдаланиш бепул бўлади.



● **АМЕРИКАНИНГ** «Ксерокс» компанияси овоз чиқариб китоб, журнал ва газета ўқийдиган ихчам қурилма ишлаб чиқарди. Бу қурилма кўзи, ожизларга мўлжалланган бўлиб, уни чўнтакка солиб юриш ва керак пайтда бу беминнат дастўрга китоб-журнал ўқитириш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чиқариқ ўн биринчи сессиясида Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинишини республикамиз аҳолиси зўр кўтаринкилик, шоду хуррамлик билан кутиб олди. Вилоятлардаги барча район, шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллаларда ана шу тарихий воқеага бағишланган кўп минг кишилик йиғинлар бўлиб ўтапти.*

## БАХТИЁРЛАР ҚОМУСИ

**М**устақил юртимизнинг мустақил Қомусини ўқиб, ундаги ҳар бир модда, ҳар бир банднинг мағзини чақиш билан қувончимиз чексизлигини юракдан изҳор этмоқчиман. Мазкур янги Конституцияни бахтиёрлар қомуси дегим келади. Чунки унда инсонлар ҳуқуқи, миллатимиз тақдири учун бекиёс ғамхўрликлар мужассам ва тўқис баён этилган. Унда эртанги кунларимизнинг режалари, озод хўр республикамиз бахт-саодати, фаровонлигини амалга оширадиган йўл-йўриқлар, порлоқ ғоялар қуёшдек балқиб тургандай. Ундан катта-кичик — ҳаммамизнинг асрий орзу-ниятларимиз, тилакларимиз, хоҳиш-иродаимиз ифодаси нуқра янглик

қуйилиб тургандай. Айниқса, биз ёш авлод, талабалар учун жонимизга арокирадиган «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», деган сўзларни тўлқинланмай ўқиш мумкин эмас. Шунинг учун биз ҳукуматимиздан, жонқуяр раҳбариятимиздан чексиз миннатдоримиз. Янги Конституция Қомуси билан эрксевар, умри боқий, келажаги порлоқ халқимизни чин қалбдан табриклаймиз!

**ЭРКАЕВ Иброҳим**  
Муҳаммадқул ўғли,  
Тошкент давлат чет  
тиллар университети  
талабаси.


## НУРАФШОН УФҚЛАРГА ЙЎЛЛОВЧИ ҚОНУН

**М**устақил Ўзбекистонимиз биринчи Конституцияси лойиҳаси эълон қилингандан кейин унинг матбуотда, радио ва телевидение орқали қилинган муҳокамаси жараёнини мунтазам кузатиб бордим. Бир қатор халқчил фикрлар билдирилди. Бош қонун лойиҳасини халқ бир неча ой муҳокамадан ўтказгандан кейин лойиҳа таҳрир қилиниб, иккинчи бор муҳокамага ташланди. Яна фикрлар тўпланди. Хулласи, лойиҳа пишитилиб, мустаҳкам қомус ҳолига келтирилиб, тасдиқланди. У қабул қилинган кун байрам сифатида Республикаимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилганлиги дилларни хушнуд этди. Мустақиллигимиз шарофатидан қувониб юрган кезларимизда унинг қушга «кириши нур устига аъло нур бўлди. Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, ғояси билан томомила янги ҳужжатдир. У собиқ Иттифоқ таркибида бўлган пайтдаги Республика Конституциясидан тамоман фарқ қилади. Бу халқчил ва ҳаётний ҳужжат мус-

тақиллигимиз ғоясига садоқатни, авлодлар олдидаги масъулиятни, демократия ва қонунийликни ҳурматлашни, халқаро ҳуқуқ қондаларини тан олишни ўзида акс эттиради. Инсонпарвар ҳуқуқий жаҳият барпо этиш ҳамда фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлайди.

Буни мен турли миллат вакиллари-дан ташкил топган корхонамиз меҳнат жамоаси тимсолида аниқ кўраяпман. Конституцияни ҳаммамиз бирдек маъқулладик. Тўрт минг кишилик меҳнат аҳли орасидаги ўзбек рус, белорус, тожик, қирғиз, татар, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари унинг ҳар бир бандида дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик уфуриб турганини ҳис этмоқдалар. Бу ҳаммамизнинг умумий қонунимиз деб билмоқдалар.

**Маммура ОДИЛОВА,**  
Тошкентдаги «Қизил тонг»  
тинкувчилик ишлаб чиқариш  
бирлашмаси касаба уюшмаси  
кўмитаси раиси.



## ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН



Ўзбекистон республикаси давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдан ташқари пленумида Анвар Аҳмедович Муҳаммаджонов Марказий қўмита раиси этиб сайланди. Мухбиримиз янги раис билан суҳбатлашди.

— Анвар Аҳмедович, янги лавозимлар билан табриклиямиз.

— Раҳмат. Янги лавозимнинг юки анча оғирга ўхшайди. Биз 32 та вазирлик ва уларга тенг идоралар билан ҳамкорлик қилишимиз керак. Колаверса кейинги йилларда анча заифлашиб қолган алоқаларни зудлик билан тиклашимиз лозим.

— Пленум қатнашчилари сиз билан танишиб олишди. Тармоқ ходимларига ҳам ўзингизни таништирсангиз.

— Мен 1945 йил октябрда Самарқанд вилоятининг Пойарик районидида туғилганман. 1972 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати олийгоҳини тамомлагандан сўнг шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб қолдим. Кейинроқ собиқ Министрлар Совети аппаратида 6 йил референт бўлиб ишладим. У ердан партия ишларига ўтдим. 3 йил республика маданият вазирининг биринчи муовини бўлиб ишладим. Мени давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раислигига муносиб деб топишди. Мен учун бу катта ишонч.

— Қўпчиликни оилавий аҳволингиз ҳам қизиқтирса керак.

— Оилаликман. Рафикам Тошкент давлат консерваториясининг доценти. 2 нафар фарзандимиз бор. Уларнинг бири Тошкент халқ хўжалиги институтида тахсил олаётган. Кичиги мактабнинг 6-синфида ўқияпти.

— Янги лавозимда ишнинг нимадан бошламоқчисиз?

— Жойлардаги ишларнинг аҳволи, ходимлар имкониятини таҳлил этиб чиқмоқчиман. Айни пайтда касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунга қандай амал қилинаётганлигини ҳам ўрганмоқчиман. Қонун биз учун асосий дастур. Ундан чекиниш йўқ. Бундан ташқари бурч ва мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ҳам диққат марказимизда бўлади. Тармоқда жипселлик ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун ходимлар масъулиятини ошириш, иш самардорлигини ўстириш биринчи галдаги вазифалар, сирасига кирди. Шунда биз илгариги шуҳратни тезроқ тиклаб оламиз.

— Яхши ниятлар йўлдошингиз бўлсин. Омал ҳамisha қулай боксин.

— Раҳмат.

Чанқоқ-  
босди,  
ёзин-қи-  
шин тўй-  
маърака-  
ларда дас-  
турхони-  
миз кўрки  
бўлган

«Тошкент  
суви»нинг  
дунёга ке-  
лиши» ҳа-  
қида биз

нима би-  
ла миз?

Тошкент

маъданли

сув ишлаб

чиқариш

корхонаси

директори

Аҳмад Ху-  
санович

Ҳидоятлов

билан бўл-  
ган суҳба-  
тимиз ана

шу ҳақда.

— Раҳбар иш бошида турса — меҳнат унумли бўлади, дейдилар. Гапнинг рости, заводга уч марта келдим ва ҳар гал сизни сершовкин цехда, ховлида, хуллас доим ишчилар орасида кўраман. Кеча Паркентда экансиз. Идорангизда жуда кам бўласиз шекилли?

— Ўзингиз айтгандек, раҳбар ишнинг бошида бўлгани маъқул. Қувасойдан 15 вагон шиша идиш келди. Тезда юкни тушириб, олиб келмасак юк билан турган вагонларнинг ҳар дақиқаси учун жарима тўлашга тўғри келади. Бир тийинни бекор кетказишга кимнинг тоқати бор дейсиз?

вишга солади. Қани энди шу ишга ўқувчилар—болаларни оммавий равишда жалб этолсак. Шиша идиш ва унинг копоқини кўпроқ йиғиб келган ўқувчилар рағбатлантирилиб турилса. Шишани беркитадиган мана шу кичкинагина темир копоқнинг мингтаси аввалари уч сўм эди, ҳозир ҳар донаси 45 тийин. Биз эса уни ташлаб юборамиз. Қани энди, иккиламчи ташкилотлар бу ишни яхши йўлга қўйишса. Бу билан болаларни меҳнатга, ҳисоб-китобга ўргатган бўлардик.

— Кўп ташкилотларда хом ашё тақчиллиги панд берапти. Сизларда маъданли сувнинг таги мўлдир? Сув-

Шунингдек, синган шишаларни тўплаб, истакан ишлаб чиқаришга киришдик. Даромадга қараб буromaд деган гап бор. Ишчилар беш-олти минг сўмдан маош олишади. Картошқа учун ҳам икки минг сўмдан пул берилди. Ўн учинчи маош, тушлик учун ҳар куни 18 сўмдан, йўлқирага 15 сўмдан ёрдам пули берилади. Иш шароитини яхшилаш учун таъмирлаш ишлари олиб бораёпмиз. Инсон учун энг муҳими яхши кайфият, ҳар бир раҳбар ана шунга кўпроқ эътибор берса қанийди?

— Аҳмад Хусанович, мана, сиз 35 йилдан бери бу ерда ишлаб,

## ТОШКЕНТНИНГ МАЪДАНЛИ СУВИ



— Кеча бош инженерингиз Рустамжон Султонов билан суҳбатлашганимизда «Энг асосий муаммо—шиша идишларнинг етишмаслиги—юнарх-навоошгани, «Тошкент суви» кам сотилаётгани» деган эди. Бу аҳволни яхшилаш имконияти борми?

— Бор. Талабимизга биноан, Янгиободда, Ғазалкентда шиша идишлари ишлаб чиқариш заводи қуриляпти. Келгуси йиллари балким Қувасойга, яъни Фарғонага ой сайин қатнаш ташвишидан қутулармиз. Дўконлардаги аҳволнинг сабаби эса факат нарх-навога боғлиқ эмас, савдо маданияти ҳам катта роль ўйнайди. Сотувчилар ўз ишига ниҳоятда фаол масъулият билан қарашса, сувимиз омборхоналарда эмас, барча дўконларнинг пештахталарида ярқиллаб турган бўларди.

— Аҳмад Хусанович, шиша идишлар етишмайди, деймизу, баъзи дўконларда сотувчилар идишларни қабул қилмай, турли баҳона-ю, сабаб қидиришади.

— Нимасини айтасиз. Бундай локайдликлар бизларни ҳам каттик таш-

нинг тозаллиги, идишларнинг озодаллигига риюя қилинса керак?

— Иккита кудукдан кеча-қундуз маъдан тузларига бой сув чиқиб туради. Бу сув сарик қасали, ошқозон-ичак, жигар касалликларига даво. Сув ер тагидан 52 даража иссиқликда чиқади. Уни махсус улкан идишларда совутиб, турли бактериялардан тозалаб, газ қўйиш билан куйиш шаҳобчаларига узатилади. Шиша идишларни махсус эритма билан ювадиган машиналар бор.

— Сув қуйилиб, копоқлангач, шишалар узатиш шаҳобчаларига ўтиб турибди. Улардан нигоҳини узмай ўтирган назоратчи аёлларнинг иши хийла қийинга ўхшайди-а?

— Тўғри, қийин. Чет элда бу ишни бошқарадиган махсус автоматлар бор. Бизда эса... Назоратчилар тез-тез алмаштирилиб турилади.

Кеча Паркентга бориб, соҳибкорлар билан ҳамкорликда қиш мавсумида вино ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

катта тажриба ортирибсиз. Янги орзу-ниятларингиз ҳам бордир?

— Корхонадаги ҳар бир буюмни кўз қорачўғидек асрашни ҳар би киши билан юксак маданиятли муносабатда бўлишликни орзу қиламан. Ишонгани ўз уйимиздек билиб, эъозласак, ўзаро меҳр-оқибатли бўлсак, ишимиз муттасил яхши кетаверади. Бизда ана шундай одамлар кўп. 2-корхона раҳбари Акмал Аъзамхўжаевни олсак, жуда маданиятли, фикр-мулоҳазали, қобилятли йигит. У билан ҳамиша фахрланаман. Бош инженерингиз Рустамжон Султонов, бригадир Ҳилол ака Қаримовлар ҳам ёшларга ўрнатқан бўладиган ҳалол кишилар. Ўлмас опа Ҳамидова, Комилжон Расуловларнинг ҳам хурматлари жойида.

Биз келажакда жамоамиз билан мазкур корхонани сотиб олиш, яъни хусусийлаштириш ниятидамыз. Бунинг учун ҳар бир ишчи-хизматчи катта тайёргарлик кўриб, фидойлик билан ишлашга ҳаракат қилмоқда.

— Ниятингизга етинг. «Тошкент суви»нинг харидори кўпаяверсин.

Суҳбатдош: С. МАҲМУДОВА

БОРДАН ЮҚАДИ...

Санталат холаининг эртақсевар неваралари кўп. Эртақ сўрайверишади, сўрайверишади, хатто баъзан эртақ етмай қолади. Шунда хола ўзи эртақ тўқиб айта бошлайди:

— Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим эмас шу замонда, Олтинқул деган томонда беш оғайни ботирлар яшар экан. Одобли, меҳнатқаш бу йигитларнинг отаси «ҳаромдан ҳазар қил, поклик, эзуликка назар қил» деб ўргатган экан. Чунки отасининг ўзи ҳам меҳнатқаш, ҳалол одам эканда. Каттақон қурилиш идорасида узок меҳнат қилган экан. Кексайганда унга дам олиш учун рухсат беришибди. Каттагина лафақа тайинлашибди. Лекин бу меҳнатқаш одам уйда бекор ўтиролмабди. Балкичи деган жойдаги савобтаблар билан берағлашиб ўша юртга ўндан ошиқ бекатлар қуришибди. Ҳали ҳеч бир районда бунақа чиройли бекатлар бўлмаган экан. Довруғи узок узокларга кетибди.

— Буви, бу одам опокдадамлар-ку, эртақни бўлади неварани.

— Вой, таниганиндан ўргилай, жим ётгин-да, бу ёгини эшит,—хола эртақнинг давомини айта бошлабди.

— Бир куни отаси беш паҳлавон ўғлини йиғиб депти — «Болаларим, сизларга раҳмат. Ҳаммаларингиз менинг хунаримга ихлос қўйиб, менинг йўлимни танладингиз. Ҳарқалай, қўлингиздан бир нарса қуриш келадиган бўлиб қолди. Энди сизларга бир гап, ҳамиша элу юрт қорига ярайдиган бўлинг. Ўзингиздан кетманг. Эл нимага муҳтож бўлиб турса, шу ишга кўл уринг».

«— Хўп бўлади дадажон»,— дейишибди ўғиллари бараварига. Шунда Олтинқулда масъул ишда ишлайдиган ўғли Ҳабибулло гап бошлабди:

— Бу менинг дадамлар,— яна эртақни бўлади неварани.

— Вой, зийрак бўлсанг ўзим ўргилай. Эшит,—депти буви:

«— Отажон, биз ҳам ака-укалар маслаҳатлашиб бир корхона курсакми, девдик.

Кўриб турибсиз ҳукумат одамларга уй-жой учун ер берди. Лекин қурилиш анжомлари тақчил. Эл қийналиб турибди. Биз шунинг учун корхона курсак, ҳозир бунга рухсат бор. Ҳатто Олтинқулдаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси дастлабки маблағини қарзга бермоқчи».

«— Жуда соз,— дебди отаси ва чўнтагидан анча-мунча пул чиқариб ўғлига узатибди:— Мана бу— менинг улушим бўлсин. Сизларга оқ йўл тилаб бир илтимосини айттай. Агар ишларингиз юришиб, корхонангиз даромад бергудай бўлса, кишлоғимиздаги Ҳожимасжидни биласизлар-а? Ўша раҳматли амакмининг номи билан аталади. Анча таъмирталаб бўлиб қолибди. Шунинг тиклаб қўйсангизлар».

— Айтаётганингиз сираям эртақ эмас. Амаким бошлиқ бетон заводи ҳақида,— сўз қотди яна бир неварани.

Ростдан ҳам эртақ эмас. Ўша болақайнинг амакисини Ҳамидулло Абдуллаев ҳақида икки оғиз сўз:

Оиладаги тўртинчи ўғилнинг корхонага директор бўлиши бежиз эмас. Акалари ва укаси унинг анча тажрибаси борлигини яхши билишади. Олий маълумотли қурувчи йигит дастлаб отаси Аҳмаджон Абдуллаев ишлаб, нафақага чиққан Балкичидаги районларо механизациялашган кўча колоннада прораб бўлди. Кейин шу ишхона тақлифи билан Қорақалпоғистонда яқка буюртмалар асосида уйлар қурилишига бош бўлди. Мухтор республика аҳолисинга андижонча уйлар қуриб бериб, раҳматини олиб қайтди. Мана энди «Бунёдкор» корхонасини бошқарапти.

Бу кичик корхона ҳақиқатан ҳам Аҳмаджон ота айтганидек эл қорига яраб қолди. Тайёр бетон қоршамаси, пишик ва хом гиштлар, махсус ўлчамдаги бетон гиштлар, ҳар турдаги ёғочларни тилиш, автосервис хизмати бажарилаётган.

— Қўштепа кишлоғи аҳолисини уй қургудай бўлса ҳамма нарсани ўзингиздан олишяпти. Ҳадемай махсус қурувчилар гуруҳини ташкил қиламизу шартнома

асосида тайёр уйлар қура бошлаймиз,— дейди Ҳамидулло.

— Отангизнинг масжидни таъмирлаш ҳақидаги илтимоси нима бўлди?

— Бў ишга ҳам киришдик. Ҳозир Ҳожимасжид таъмири учун юз минг сўм сарфланди. Насиб қилса захматқаш отамизнинг пайгамбар тўйигача масжидни тиклаб бўламиз.

Кейинги пайтда хориждаги бир қанча сармоядор ватандошларимизнинг Ўзбекистонимизда хайрли қурилишлар бошлаши ҳақида ҳаммамиз ҳам эшитяпмиз, қувонаёпмиз. Лекин қувониш билан бирга юрагимнинг четиди, ахир улар тақдир такозоси билан ўзлари ишюлмаган Ватанига обидалар курса, хайрли саховатлар кўрсатса, сувини ичиб, ноини еб турган биз фарзандлари бу Ватан учун нима қиляпмиз деган оғрикли туйғу безовта қиларди мени. Ҳабибуллонинг мадраса ҳақидаги катъий орзуси шу лаҳзада менинг ўша оғриқларимга малҳам қўйгандай бўлди. Биз ҳам Бухорою Самарқандда, Хиваю Андижонда ўзидан ажойиб обидалар қолдирган аждодларимизнинг болаларимиз. Шукрким, бу фахр қарийиб ҳар бир ўзбекда бор. Фақат етмиш йиллик адашмиш, мустамлақада яшаган йилларимизда қашшоқ халққа айландик. Обидалар қуриш, эзгу орзулар қилиш тугул эғнимизни амаллаб бутлаб, қорнимизни амаллаб тўклаб юрдик. Мана энди мустақил бўлиб, эркин нафас ола бошладик. Биз ҳам бой бўлишдан, топганимизни ўзимизга насиб қилишдан баҳрамандимиз.

Олтинқул районининг чекка Қўштепа кишлоғида қад кўтариб эл қорига яраётган «Бунёдкор» кичик корхонаси Ҳабибулло, Ҳамидулло, Лутфулло, Хайрулло, Бахтиёржонлар сингари ҳаёти ва меҳнатидан, ташаббуси ва захматларидан эзгу из қолдиришга орзумандлар қўлаётганига шукрона айтаман. Бу энди борликка, бойликка қараб юриш. Элга ҳам, Ватанга ҳам бордан, бойдан юқади-да.

Замира РҶЗИЕВА  
Андижон вилояти.

Қуйдаги саволларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари М. С. Султонов жавоб беради:

???

24 йил Армия сафида хизмат қилиб, 1991 йилда заҳирага чиқдим. Унвоним майор. Ҳозир Гафур Гулом номидаги 3-ўрта мактабда чақириққача ишларни тайёрлаш раҳбари вазифасида ишлаяман. 1966 йилдан 1970 йилнинг ноябрь ойигача муаллимлик қилганман. Сизга саволим шуки, оила билан яшаб турган «Бухароирстрой»нинг кўчма механизациялашган колоннасига қарашли уйимни бепул шахсий мулк сифатида олишга ҳуқуқим борми-йўқми?

**Б. УСМОНОВ,**  
Бухоро вилояти,  
Ромитан райони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги 09—1—33 124, 1992 йил 26 февралдаги 03—165 ҳамда 1992 йил 27 февралдаги 89—04—143-рақамли Фармонларида кўзда тутилган имтиёзлар бериш тартибига мувофиқ квартирани шахсий мулк сифатида олиш ҳуқуқига эгасиз. Уни расмийлаштириш учун ташкилот раҳбарига ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: иш жойидан маълумотнома, турар жой ордери ёки паспортнинг нусхаси. Сиз билан бирга истиқомат қилувчи барча баловатга етган оила аъзоларининг ёзма розилиги.

???

Мен 9 йил ўқитувчилик қилганман. Тўнғич ўғлим бир ярим ёшга етмай, иккинчи марта ҳомиладорлик таътилига чиқдим. Мактаб раҳбарияти бу сафар ҳам биринчи фарзандингга ҳомиладорлигинда олган миқдорда товон пули олаверасан», деди. Мен эсам янги таъриф бўйича олмоқчи эдим. Бунга ҳаққим йўқми?

**Шахло ҲАЙДАРОВА**  
Сирдарё вилояти, Воёвут райони.

Сизнинг биринчи фарзандингиз бир ярим ёшга тўлмасдан иккинчи ҳомиладорлик таътилига чиқибсиз. Бу орада ишлаган-ишлаганлигингиздан қатъий назар мактаб маъмурияти ўқитувчилик стажингизга қараб, таърифкациядан ўтказиб, янги таърифда иш ҳақи ҳисобидан товон пули тўлаши лозим.

???

1976 йилдан буён икки хонали уйда яшаб келамиз. Турмуш ўртоғим ўқитувчи. Тўртта қизим бор. Бизга ер участкаси ажратиб берилди. 17 ёшли қизим номига совга тариқасида ўтказишимиз мумкинми?

**Замира ХУЖАЕВА,**  
Урганч шаҳри.

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кадрлар бошқармаси

бошлиғи Ҳ. Нўъмонов ёзма жавоб беради:

— 3. Хўжаевага яқка шароитда уй қуриб олиши учун 1990 йили шартнома асосида ер майдони берилган. Ўзаро тузилган шартномага биноан, маълум муддатдан сўнг ўз ихтиёридаги 2 хонали давлат уйини шаҳар уй-жойлар хўжалиғи трестига қайтариши керак. Уйни қизи ёки турмуш ўртоғи номига хусусий мулк сифатида ўтказиши масаласи эса маҳаллий ҳокимият томонидан умумий асосда ҳал этилади.

???

Тўққизинчи синфни битирган қизлар учун Тошкентдаги қайси техникум ёки билим юртига киришни тавсия қиласиз ва янаги йилдан қачон ҳамда қайси фанлардан имтиҳон топшириш билан қабул қилинишлари ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз?

**Гулчеҳра ТУРДИБЕКОВА,**  
Бекобод шаҳри.

Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлигининг бош бошқармаси бошлиғи С. Зиёев жавоб беради:

— Ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари ва кириш имтиҳонларини топшириш муддатлари ҳақида 1993 йилнинг баҳор ойларидан «Маърифат» ва бошқа газеталар саҳифаларида эълон қилиш бошланади. Ўқишга кириш учун ўша эълонларда номлари келтирилган педагогик билим юртлари маъмуриятидан маслаҳат олишингиз мумкин.

???

Мен оёғим майиб бўлгунга қадар қурилишда бригадир бўлиб ишлар, барча қатори яхшигина маош олар эдим. Майиб бўлганимдан кейин эса арзимаган миқдорда нафақа белгилашди. Ҳозир ўртгача маош 6 минг сўмдан кам бўлмаган даврда бунчалик камситилганлигининг сабабини билмайман. Идорамиз ҳисобчилари «нафақамни ошириш масаласида бирор кўрсатма олиб келинг», дейишди. Кимдан оламан уни? Нафақамни ошириш учун нима қилишим керак, маслаҳат беринг.

**Қудрат БЎТОЕВ,**  
Қашқадарё вилояти,  
Дехқонобод райони.

Бу масала бўйича Ўзбекистон республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шартшароитлари Давлат экспертизаси бошлиғи муовини И. Раҳматуллаев қуйидагиларни маълум қилади:

Касбий хаста бўлганлиги ёки майибланганлиги туфайли унга тўланадиган товон пули миқдорини ошириш учун Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва Ижтимоий-таъминот вазирликлари касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда тайёрланган № 8—24; 18—14; № 69 — рақамли ҳужжатлар асос бўла олади. Ана шу ҳужжатлар барча корхона ва муассасалар маъмуриятларида мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёнида соғлиги-

га шикаст етган шахсларга товон пули миқдорини ошириш масаласи юқоридаги ҳужжатларга асосланиб ҳал этилиши мумкин.

???

Менинг ёшим 49 да. Ҳарбий хизматимни ўтаётган давримда касалланиб, II гуруҳ ногирони бўлиб қолганман. Шунинг учун ишламайман. Ун саккизга тўлмаган икки фарзандим бор. Хотиним ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Шундай экан, ҳукуматимизнинг сўнгги йил қабул қилган қарорлари бўйича менинг нафақам миқдори қанча бўлади? Яна қандай имтиёзларга эгаман?

**А. БЕРДИЁРОВ,**  
Навоий вилояти, Конимех район,  
Ҳ. Олимжон давлат хўжалиғи.

Саволга Навоий вилояти ҳокимининг ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи муовини Г. Қаюмов қуйидагича жавобни ёзиб юборибди:

— Ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган фуқароларга «Ҳарбий хизматчилар учун нафақа тўлаш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига биноан II гуруҳ ногироннинг энг кам нафақаси қариллик нафақасининг 100 фоизи миқдоридан тўланади. Шунга кўра А. Бердиёровга 1992 йил 1 август учун 2 нафар фарзандига қўшимча 1950 сўм, сентябрь ойи учун 2447 сўм ва ноябрь октябр ойи учун 3900 сўм нафақа тўлаш жорий этилди.

Ҳар хил тўланишига сабаб: ҳар ойда нафақа миқдорининг ўзгариб туришидир.

Бундан ташқари ҳарбий хизмат бурчини ўташ даврида ногирон бўлганлар қуйидаги имтиёзлардан тўла фойдаланишлари мумкин:

1. Врач рецепти бўйича 50 фоиз арзон нархда дори олиш;
2. Врач ҳулосасига биноан протез ва ортопедик буюмларни бепул олиш;
3. Ҳар икки йилда бир марта санаторияда даволаниш учун бепул йўлланма билан таъминланиш;
3. Суғурталарни 50 фоиз миқдоридан тўлаш;
5. 1 октябрдан 15 майгача бўлган муддат ичида поезд, самолёт ҳақи учун 50 фоиз тўлаш.

???

Кимлар ёлғиз она ҳисобланади?

**Д. МУСЛИМОВА,**  
Бухоро вилояти.

Никоҳи ЗАГС органларида қайд қилинмасдан фарзанд кўрган аёллар «ёлғиз она» ҳисобланади. Никоҳсиз туғилган фарзанднинг туғилиш гувоҳномаси отаси ҳақидаги маълумот онанинг аризаси бўйича ёзилади.

● Саҳифани Маданият, маънавият ва хатлар бўлими тайёрлаган.

## Талабалар касабаси уюшмаларида

### БИРЛАШСАК...

Сир эмаски, талабалар Ешлар Иттифоқидан ҳам кўра қизиқарли кунда касабаси уюшмаларида кўпроқ иштирок этадилар. Чунки, бу ерда озроқгина бўлсада моддий кўмак бор. Лекин ҳали қилганидан илҳам, бошимизни қотираётган муаммолар ачинади. Уларни ҳал этиш эса кўпгина юқори ташиқлотларга боғлиқ. Мана талабаларни арзон кийим-боши, ўқув асбоб-анжомлари билан таъминлашни ҳеч бир ўйлаб кўрилмаган масала. Ундан ташқари талабаларнинг бўши вақтларини кўнгилли ўтказиш учун республикамизда жисмоний-соғломлаштириш лагерлари қурилишини бошлаб юбориши керак. Биз авваллари собиқ СССР республикаларидаги шундай лагерлар билан алоқа қилардик. Хозир эса бунинг имкони йўқ. Бу ишларни ҳал қилиш учун кўпгина ёшлар билан ишлайдиган айниқса, республика Президенти қошида тузилган ёшлар билан ишлаш кўмитаси жойлардаги, олий ўқув юртиларидаги касабаси уюшмалари билан бирлашмоғи, кенгаймоғи лозим.

**Маъруф ТОЖИБОЕВ,**  
ТошДУ талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси.

## ТАЛАБАГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН

Хозир касабаси уюшмаларининг фаоллари кўпайиб қолган. Биз бундан жуда ҳам хурсандимиз. Лекин баъзан уларнинг талабаларини бажаришга ожизлик қилиб қолганимиз ёмон. Кўпчиликка маълумки, талабанинг учтасидан биттаси ошқозон-ичак касалига мубтало. Шунинг учун уларга санаторияларда даволашни учун йўлланмалар жуда зарур. Йўлланмаларни эса бизга доимо ўқув мавсумида беришади. Лекин бу ёқда дарс қолаверса сессия каби тўсиқлар бор. Кўпчилик талабалар бундай йўлланмалардан кечиб юборишади. Бу йил ҳам шундай аҳвол рўй берди. Бу тўсиқни қўйишнинг йўллари кўп ахтариб кўриламиз. Барибир юқори ташиқлотлар тақлифимизга беради. Ўз фасли ва қишда бериладиган узоқроқ таътиллардан фойдаланишимиз керак, ахир!

**Баходир ҚОДИРОВ,**  
Техника университети талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси раиси.

## МУСОФИР ЮРТАДА МУРОДЛИК КЕРАК

Уюшмаларимиз йиллардан талабалардан тушган тақлиф-истақларни ўрганаемиз. Шундай тақлифлардан бири лўғи, ётоқхоналарнинг ўзида талонга берилаётган озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи дўкон очилиши эди. Бу тақлифни ўрганиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам бизга бириктирилган дўконлардан талабаларимиз ўз улушларини ололмаётгани, бунга эса дўконларнинг маҳалалар билан ҳам боғлиқлигини аниқладик. Шундан сўнг ётоқхоналарда дўконлар очиб бериладик, талабанинг қўлида пул турмайди, пул турмасида қуруқ турмайди, деган ҳазилнома гап бор. Шунинг учун улар ҳаммиса очиб эшигимиздан фойдаланиб қолишади. Байрамларда ва умман йўлга кетмоқчи бўлган талабанинг пули тубаб қолса, тўғри бизнинг олдимишга келавериши. Ишқилиб, нима қилсак ҳам мусофир юрда муродлик яратишга интиламиз.

**Отабек МУХТОРОВ,**  
Низомий номидаги Педагогика институти талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси раиси.



Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас, дейди халқимиз. Чироқчи район, Охунбобоев номи давлат ҳўжалигининг Сувак қишлоғида истиқомат қилувчи Феруза Хўрамонова маъмурият мажлисида иштирок этади. Унинг қўлида суратлари, дебача расм хўраларини кўрганининг кўзи ўйнайди. У эндигина ўн биринчи синфни битириб, бирин олий илмгоҳга кириб ўқуётган ҳам. Шунга қарамай рағбат-баранг мазмунига кўриб ижоди билан санъат муҳлисларини ром қилиб қўймоқда.

Жўра БОБОРАХМАТ олаган сурат.

Мен бу қизларни кўндан танидим. Интилувчан, фикрлари терең, ўйловлари ҳаётбахш қизлар. Иратганини бир қизга атаган барча тағрифат маънаҳадлари уларда мужассам. Мен ҳар гал улар билан суҳбатлашиб, хиралаётган фикр чироқларимга нуру қувватлар, қайратлар таъққурум оғочига обу ҳаёт оламан. Ҳа, улар билан барча бахту тахтлар, қувончу ташвишлар, илму амаллар ҳақида гаплашиб, баҳсланиш лаззат. Лекин...

— Жуда кўпчилик одамлар қизларнинг турмушга чиқмаслигини фожиа деб билади. Ҳатто менга ачишиб «қари қиз», деб таъна топиб қўйишади. Тўғри, Ўзбекиона дунёқарашимизда бу фожиа! Ҳатто, жуда катта фожиа! «Лекин менинг ўйловимча бу фожиадан ҳам нисбий бўлса керак. Қимга қандай деганларидайда?», — дейди Соҳиба исмлигим. — Хозир ёшим 25 да. Университетни тугатдим. Аспирантурага кирдим. Яқинда иқтисод илми бўйича номзодлик диссертацияси ёзмамоқчиман. Кўрсизми, кўп нарсага улгурганман-а? Турмушга чиқишга ҳам албатта улгурардим. Қўдалик юмушларини

## ХОМУШ АТИРГУЛЛАР

тўғри режалаштириш билан кўп парасаларга улгуриш мумкин. Лекин афсус, кўнгилдош топшдан мункили йўқ экан. Баъзи йигитларнинг қатъиятсизлиги, бемақсадлиги, майда-чуйда гаплар билан ўралашиб юриши юрагимга тошдек қотиб қолган. Менга қолса бутун фожиа ва фожиаешиятимнинг сабабқори — ёшим ўтган сари ҳаётнинг турланлиларини, қора кўчаларини қолаверса, инсон тушунчасининг юксаклигини, умрнинг эса ўткинчилигини тушуниб етганимда деб биламан.

— Вой-ей опагинам, жа ўзингизни осмондан олдирганда, — дейман уни хомуш хайлардан кутқариш учун ҳазиллашиб. Лекин у бир нуқтага тикилганча ўз фалсафаларига гап қўлиб, узок ўйланиб қолади.

— Сен ўйлаб топган гаплар худбинликдан бошқа нарса эмас. Соҳиба, — дея гапни ялиб кетади Гул-лола исмли қиз. — Гап, оила деган тушунчанинг буюклигини, юксаклигини унга етқириш учун қанча-қанча азият-қўққиларни деб этмоқ кераклигини ҳис этганимизда, бўлса керак.

— Мен эса бутун инсон ҳаётини Оллоҳу Таоло яратган тақдир азалдан деб, биламан, — дейди учинчиси.

Ҳа, қизларнинг ҳар бири ўз толе-ларидан, уларни айтганларидек фожиа фожиаешиятларидан бир таскин, тонаётганга ўхшарди.

— Тангри, ҳеч бир инсонни тоқ яратганми? — деб сўрардим, ҳар бир ҳаёт ҳодисаларини худо иродасидан деб биладиган буюмдан болалигимда.

— Йўқ, болам худойи таоло ҳар кимни жуфти билан яратган.

— Унда нега Ойжамол опанинг ҳеч жуфти топмагани?

— Унақа, дема болам, Ойжамол эндигина йигирма саккизга кирди.

Ўн тулдан бири очилгани йўқ. Ўзи илжикроқ, унча-мунасабга кўнмайди да.

— Улар жуфти эмас эканда?

— Билмадим, болам.

Ўшанда ҳам ермишга етиб, эвралар етасизган буюмдан хотираларимга жавоб топмасдан қий-налардим. Мана бугун ҳам саволларим паршон...

Мен ўзимга қанча таскинни юпанлар ахтарсамда, барибир уларни хомуш атиргулларга ўхшатаман. Бундай хомушликдан факат яхши ораву-умидлар, ишончу ил-лослар кутқарилади ҳолос. Абдий барқарор дунёимизга эса доимо нўр-кам гуллар, боғу бўстонлар тилай-ман.

САРОВМУЛҚ

## «ТЎЙ» СЎЗИДАН «Т»НИ ОЛИБ...

ЧАРОҒОН тўйхона. Унданда чароғон кўнгиллар... Шодли-гини базўр яшириб, сипоиги-ни халиқ аралашган келинчақ ҳам. Хамама шод. «Лолалек очилган келин-куёв»га табригу ташбехлар шўху хандон куй-қўшиқларга уланиб кетади. Бирдан тўй ахли калкиб кетди. Куёв келинни бағрига босганча... Куёв-раларнинг «Горько! Горько!»си кучли қах-қаҳага айланди. Ахир, бизнинг урф-одатимиз бошқача-ку. Шунинг учун қизлар кизариб-кизариб, «кета-манга» шайланишди, қариялар юзла-рини бекитишди, менга эса тўй тати-мади. Кетдим. Тенгдошларимнинг қар-индош-уруғига, ота-онасига нисба-тан хурматсизлиқдай туюлди.

Эслайман. Болалигимда момом

аммамларни тўй дастурхони атрофи-га жалб этаётиб, тайинларидилар: «Куёв билан гаплаша, болам, отанг хафа бўлади». Тошкентда, ҳар гал ўйга борганимда, албатта бир-бир дуго-наимизни «бахтли остолага кузатиб», кайтаимиз. Эртасига Қамашида гап тарқалади. «Нилуфар тўйида куёв билан роса чак-чаклашиб ўтирди», «Зарифа куёв билан вальсга тушиб-ди», «Зухра куёв билан уриши-либди»...

Бу нима? Бу ақлдан эмас, ношуд-лик, беҳурматлик. Фақат, шу муборак окшома Оллох назар ташлайдилар, шу бахтли айёмда дуоларга қўл очи-лади, ширин-шакар табриқларни са-ватга солиб фаршталар арши-аб-лога элтадилар. Халқнинг кўзи бизда, эл кузатади. Наҳотки, сиполикка, на-

фислигу назокатга ўрин беролмасак! Баъзан тўй охирида, куёвни маст-аласт холда олиб кетишади. Келин-куёвнинг «Тўйлар муборак» рак-сига тушиши, ёру биродарининг пул кистириши...

Тўғри, кимдир ният қилгандир, кимдир кимдандир ўтишни хоҳлаган-дир(!). Мен эса қоралайман. Жуда каттик қоралайман. Ҳар холда келин-нинг келинлиги, куёвнинг куёвлиги ўзларини тута билишгида, ҳаё-ибо (йигитларга ҳаё баъзан қизлардан кў-ра кўпроқ ярашади), атрофдагиларга нисбатан хурматида, деб биламан. Тўғрими, тенгдошларим?

**Лола САОДАТОВА,**  
Қашқадарё вилояти, Қамаш району.

## Ешлар саҳифаси



...ТУН. Ётоқхонанинг очиб қолгани. Олис юлдузлар кўксимга ўт ёқади, нечқудир кўзларимга ёш қалқийди. Уқувчилик йилларим хотирамда қай-та жонланади. Уқувчилик Мелиқул Сидиқов қўлиб-пишиб, ал жабрини ту-шинтирарди:

— Сурати маҳражидан кичик бўл-ган каср тўғри каср дешилади...

Не бир покдомон қонунлари бор экан, ал жабрининг. Инсон ҳаётининг

лоққа борганимда, ул киши умид бо-лаи сўрайдилар: «Китобинг қачон чиқайди?» Бошимни эзман. «Устоз, мен сиз айтган каср бўлишни истамай-ман»... Устоз чехрасида бир мўжсаз муштоқлик бор. Ўша муштоқлик ту-файли яшагим келади. Кечро кун-дуз қороз қоралайман. Юрагим тер-лайди, жисарим эзилди, мен дунё-нинг қора ибратиман, устоз! Ўзман-қалашим синади, эзман — қороз

уй ҳам ола олмайд, бола-чақа ҳам боқа олмайд. Сизинг фасасизлик фалсафанинги эса ҳатто зитиштини истамайди. Биламан, сиз бу фикрлар-ини учун мени калтафаҳмлиқда айб-лайсиз, аммо сиз ҳар қуни, тўхта-масдан апираверасиз! — Сурати маҳ-ражидан кичик бўлган каср тўғри каср, дешилади. Менинг ҳаёт йўл-имиз эса ўша касрнинг қўмлари селиб чи-қилган.

## ТЎҒРИ КАСРНИНГ ТАҚДИРИ

боқилмаси ҳам математикадагидек маҳражас, яъни унинг қилган ишлари-га боғлиқ экан. Устоз, сиз бизга мак-таб қучоғида шуларни ўргатган эдин-гиз, лекин мен — шоғирдангиз сиз айтганларини ўндан бирини ҳам ба-жарганим йўқ. Тўғри каср бўлишни ўрганиш учун дарсингизни ҳаммиса орзиқиб кутар эдик. Тўғри каср бўлиш эса қўндан қўнча оғирлашмоқда, у-стоз! Юзингизга разм соламан киши алақандарга алам ва ҳасратни туяр эди. Ҳа, Сизга оғир эди, устоз, бу-тун дунёни тўдиришга етадиган маъ-навий қувватингизнинг бошига кичик-кина бир қишлоққа етаётгани. Ўзин-гиз математик, дилингиз шоир бўл-гани қизиқ эди. Кимдир бир закиблик билан айтиб ўтиб кетган экан: «Шоир-лар дунёнинг тан олимаган қочу-нчиларидир», — деб... Ҳар гал қиш

бурда-бурда йиртилади, дунём бў-шаишади. Юрак — булбул тирноғи ботган де-вор, юрак — сўзламоққа уричаётган озор, юрак — бебахтлиқ эшигига қа-далган бир ҳас...

Нафасимни тўлдириб, «Фасел-из-ман!», дея бақираман. Ероналарим, ахир, тушунинг, фаселизман, на бе-шинчи фасла, на юзинчи фасла менкич, иктиришда ҳеч вақо йўқ, фақат тава-ба бор, миселсиз тавба. Ҳаёт дафтари-ни арифметика амалларида тўлиб к-етган, дамон тўғри каср чиқара олмай-ман. Фикрим араваешидаги аравае-ша бақираман: — Кечирасиз, менинг сочим нимани билдиради? — У хотир-жам жавоб қайтарди: — Квадратга қўтариладан илдизин.

Устоз, қаранг, ҳаёт бошқача тузил-ган. Сизинг тўғри касрингиз буюн

**Гуландом ТОҒАЕВА,**  
ТошДУ IV курс талабаси.

## БИР КАМ ДУНЁ...

### АГАР МЕН ЙИГИТ БЎЛГАНИМДА...

**С. Аллабердиева, Шўрчи району:**  
— Йигит киши бўлишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман.

**Сайёра Ҳалимова, Фарғона:**  
— Ўғил бола бўлишни орзу қилган эканману, бироқ шундай бўлиб қолса нима қилиш ҳақида жиддий ўйламаб-ман.

**Ойгул Суюнова, Тўрткўл:**  
— Қандай яхши! Хоҳлаган қизингга севги изҳор қилолсан, бунга имко-ниятинг бор.

**Феруза Раҳмонова, Қарши:**  
— Агар ўғил бола бўлганимда, ўғил бола қанақа бўлиши керакли-гини кўрсатиб қўярдим. Яна футбол-чи ҳам бўлардим.

**Меҳри, Бўғоро:**  
— Ҳамма қизни бирма-бир севиб чиқардим (ҳазил).

**Шахло Тоғаева, Косон:**  
— «Мафия»нинг шефи бўлардим ва сиз билан ҳам йигитчасига гапла-шиб қўярдим.

**Феруза Шодиева, Ургут:**  
— Қиз боланинг олдида номард-лик қилмас, севганимга уйланардим.

**Норгул Ганиева, Тўрткўл:**  
— Ўғил бола бўлишни хоҳламай-ман. Сабаби, дидимдагини тополмас ва ҳеч қачон уйлана олмасдим.

**Раъно Алиева, Фарғона:**  
— Аллақачон уйланган бўлардим!  
**Дилдора Мардиева, Самарқанд:**  
— Унда ўз эрким, ўз қўлимда бўл-са керак...

**Роҳила Юсупова, Ургут:**  
— Ичмасдим, чекимасдим, ёмон йўллarga юрмасдим.

**Муҳаббат Элбоева, Хоразм:**  
— Муҳаббатнинг идеалидаги йигит бўлардим а табиийки...

**Маҳбуба Ҳайитова, Ўзбекистон ра-диоси ходимаси, 20 ёшда:**  
— Қиз бола бўлиб турилганимга минг марта шўкр қиламан.

**Соҳиба Аҳмедова, Андижон:**  
— Ўғил бола бўлганимда қиз бола бўлишни орзу қилардим.

**Нурия Муҳаммад Карим, Афғонис-тон:**  
— Хотимни ҳеч ёлғиз қўймаган, доимо бирга олиб юрган бўлардим.

**Гули Тоғаева, Олтинсой:**  
— Худо асрасин!!!

**Лола Саодатова, Қамаш:**  
— Уйга борсам на бирор спорт ту-рини тузуқ-қуруқ эплайдиган, на бир-ор тилини мустақкам эгалаган, на уй ишларига ёлғизтиб ёрдам беради-ган укаларимни койирдим: «Сизлар-нинг ўрингизда мен бўлганимда, ундок қилардим, бундок қилардим. Қамашда «ягона» бўлардим. Сизлар эса... Ахир ўғил бола, ўғил бола...», десам, Баҳромжон укам «Опа, ўғил бола бўлсангиз менга ўхшаган бўлар-дингизда, юрдингиз олангиздан гап эшитиб», дейди. Ҳарҳолда гапи тўғри бўлса керак-ов.

**Райхон Жўмаева, Сурхондарё:**  
— Суюклигим, маҳбубамга ети-шиш учун барча барчасига тайёр бў-лардим.

**Дилфуза Ҳайдарова, Наманган:**  
— Қизларга қарамасдим, обрўйим-ни тўкиб...

**Азиза Ортиқова, Нурота:**  
— Жуда, жуда ва жуда кам гапи-рардим. Хулласи бачкана бўлмасдим.

**Моҳидил Отамирзаева, Андижон:**  
— Афсуски, кечалари «қўриқчи»-сиз ўзинг бемалол, қўрқмай юради-ган қалла фақат йигитларимизгаги-на насиб этган. Шунинг учунгиз ҳам йигит бўлишни орзу қилардим.

## АГАР МЕН ҚИЗ БОЛА БЎЛИБ ҚОЛСАМ...

**Баҳриддин Қўшмонов, Жиззах:**  
— Қизларга вафодан дарс берар-дим...

**Дилшод Шамсиев, Жиззах:**  
— Қизик... Жуда мушкул савол экан, жавоб беролмайман, кўп ўйла-сам ҳам.

**Тоҳир Саидбоев, Денов:**  
— Бу саволга жавоб бериш учун қиз бола бўлиш керак.

**Эгамназар Остонов, Булунгур:**  
— Босиқроқ бўлардим...

**Икром Қўрбоналиев, Фарғона:**  
— Мақтабни битириб, тўғри эрга тегардим.

**Аъзам Аҳмедов, Наманган:**  
— Қиз бола бўлишни ёмон кўра-ман!

**Олим Тошев, Бойсун:**  
— Ўғилларимни, ҳа, ҳа, фақат ўғил-ларимни олим қилган, ва ўзим уй бекаси бўлган бўлардим.

**Эркин Шермонов, Жиззах:**  
— Йигитларни кўп куттирмасдим.

**Гўпта Вивек, Ҳиндистон:**  
— Болаларимни «катта» одамлар қилардим. Бунинг учун кўп пул керак. Кўп пул топиш учун эса кўп ишлаш лозим.

**Солижон Зоир, суратчи:**  
— Суратимни чиқариб бер деб, йигитларга ялниманган ва умуман расмга тушмаган бўлардим.

**Азизбек, Наманган, «Оила ва жа-мият» газетаси ходими:**  
— Севги учун дунёнинг нарги че-касига бўлса ҳам кетар эдим.

**Рустам Қобилов, Шаҳрисабз:**  
Бошқа савол беринг?..

**Улиабо Қаршиев, Самарқанд:**  
— Мабодо шаҳарлик бўлиб кол-гу-дек бўлсам, аввало кўча-қуйда, йўл ўртасини тўлдириб, сангиб юрмас-дим. Фойдали иш билан банд бўл-ганимдан йигитлар ҳатто мендек қиз борлигини ҳам билишмасди. Афсус, бу орзу...

**О:**  
— Сочимни ҳеч қачон кесмасдим, пешонамнинг олдини ҳам.

**Х. Абдураҳмонов:**  
— Тасаввуримдан бундай нарса йўқ.

**И. М.**  
— Дугоналаримнинг чекишига йўл қўймамасдим.

**Шухрат Суяров, Сирдарё.**  
— Журналистикага кирмас ва жур-налист бўлмас эдим.

**Беруний Алимов, Хоразм:**  
— Маъза қилиб йиғлардим.

**Фарҳод Арзиев, Сурхондарё:**  
Қиз бола бўлсамми, ўғил бола бўл-сам қанийди, деб доим ох чекардим.

**Баҳромбек Ҳошимов, Покирик:**  
Қиз бола эканлигим ҳақида чуқур-роқ ўйлаб кўрган бўлардим.

## ШЕЪРИЯТ

Юрагим қатъидан, оқмоқда висол,  
Вале ҳужрониға қонмоқ истар қалб.  
Гулларнинг белгиса жоним ўрадим,  
Бахтнинг пойларига қолдим,

Тошнинг шохларидан тердим  
атирғул,  
Қафтимнинг ичига яширдим чинор,  
Тилимни ўғирлаб кетди булбуллар,  
Хизр дил чертди-ю, айтди ул ёр-ёр.

Юрак осмонига юлдуз сочилган,  
Утмиш илдиз эрур бахтнинг

Шамоллар қўлимга тутдилар лола,  
Арши аёлалардан битта дебоча.  
Кўзимга ич қуриб олди қалдирғоч,  
Мендан бахт тилади бахтлар, шу

Сочим орасида ўсди бойчечак,  
Кўк ва ер қучишган толе кечаси.

Эгамназар ОСТОНОВ,  
Самарқанд вилояти, Булунгур району.

К ИЗЛАР гишт қўймоқда. Уларнинг қўйлақлари терга ботган баданларига ёпишиб кетган. Ҳа, бу инкилобнинг фараҳли кўвди бу ўзбек қизларининг «бахтли» бахтсизлиги. Улар гишт қўймоқда...

Нима қипти, дерсиз эҳти-мол. Ҳақсиз, чунки биз аёл-ларни 70 йилдирки, қора меҳнатда, пахта далаларида, завод-фабрика, шахталарда «эъзозлаганимиз. Уларга шундай муносабатда бўлиш бизнинг рўҳимизга сингиб кетган.



(ЛУҚМА)

Лекин қадриятларимиз тикланаётган, ўзлигимизни англаётган бир даврда ажаб-ланарли, албатта. Афсуски, улар бор. Гувоҳи бўлмоқчи-мисиз?

Марҳамат, Сурхондарё ви-лояти, Гагарин районидаги (Аммо, Бу ерда Гагарин ту-ғилмаган (28-хунар-техника билим юртига ташриф бую-ринг.

Билим юртида ҳар бир бола диплом учун 300 донга гишт қўйиб бериши керак. Практика пайти ҳар томонга тарқаб кетган талабалар олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат расмийлаштириб, дипломага келса, «гишт қуя-сан, тамом», деган сўз билан қарши олишди. Уларнинг кўпчилиги Туркманистон, То-жикистон жумҳуриятларидан ва ўзга вилоятлардан келиш-ган. Улар қандай қилиб гишт қўйишади? Айниқса, билим юртида кўпчилики қизлар ташкил қилишади. Уларнинг зорини ким тинглайди. Би-лим юрти директори Воро-шил Худойбердиевнинг эса парвоий фалак. Соьда туриб, мени қизиқтирмайди, та-нишларинг бордир, қарин-дошларинг бордир, биргала-шиб куй ёки қардан бўлса ҳам 300 та гишт келтириб бер,



ГУЛИСТОН шаҳар болалар санъат мактаби директори Л. Шепелева билан бир гуруҳ ҳақиқатталаб муаллимлар орасида бошланган можаро энди вилоят прокуратураси билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўртасидаги тортишувга айланиб кетди. Ҳозирча прокуратуранинг қўли «баланд» келиб турибди. Аслида эса аксинча бўлиши лозим эди.

...Болалар санъат мактабининг бир гуруҳ муаллимлари директор Л. Шепелеванинг педагогикага хилоф хатти-ҳаракатлари, мансабини суистеъмол қилиб, давлатга молиявий зарар келтираётганлиги ҳақида шикоят ёзишганди. Мактабиши билан вилоят молия бўлимининг назорат-тафтиш бошқармаси, шаҳар ички ишлар бўлими ва прокуратураси шуғулланиб, Шепелева йўл қўйган жиддий нуқсонларни очиб ташлади.

этибор бермади. Оқибатда Л. Шепелева яна ҳам ҳаддидан ошиб кетди.

Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари А. Азизовнинг аризагўй педагогларга йўллаган расмий хати ҳам Л. Шепелеванинг афти-башарасини қисман бўлса-да, очиб беради. Унда шундай дейилган:

«...Л. Шепелева хатти-ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 161-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари бор. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Л. Шепелевага нисбатан жиноий иш кўзгатиш мақбул эмас деб топилди».

Л. Шепелева бир эмас, икки эмас, тўрт жойда ишлаб ҳақ оларди. Ревизия ҳам бир киши 4 жойда ишлаб улгуролмайди, деган фикрга келиб, Л. Шепелева қонунга хилоф тарзда ҳақ

лишига эришди. Бу қарорни мутлақо асоссиз, қонунга зид деб ҳисоблайман. Л. Шепелева И. Зарскаяни 1 июндан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарган, касаба қўмитаси мажлиси эса 17 июнда ўтди. Иккинчидан, қўмита мажлисида қўмитага сайланган 5 кишидан уч киши қатнашган. Икки киши, яъни раис Новицкая билан Раскопатина директорнинг тарафини олди. Протоколда эса уч киши, яъни Р. Ақулиев ҳам Зарскаяни ишдан бўшатишни ёқлаб овоз берди, дейилган. Бироқ Р. Ақулиев аслида қўмита аъзолигига сайланмаган. Демак, унинг мажлисида овоз беришга ҳаққи йўқ...»

Юқоридаги гаплардан хўш, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Т. Новицкая нима сабабдан мажлисни ўзи бошқармади ва олий тоифадаги педагог Зарскаяни ҳамма қилмади, деган

## ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАР...

Шу нуқсонлар асос қилиб олинди-да, шаҳар маданият бўлими Л. Шепелевани ишдан бўшатди. Бироқ бу буйруққа вилоят прокуратураси норозилик билдириб, уни бекор қилди. Директор устидан шикоят ёзган муаллимлар вилоят прокуратурасида Л. Шепелеванинг таниши бор, шу сабабли у ердагилар директорни ҳимоя қилиш йўлига ўтиб олишди, деган фикрга келдилар.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳам юқорида номлари кўрсатиб ўтилган педагогларнинг шикоятини кўриб чиқиб, директор Л. Шепелеванинг муаллими Л. Зарскаяни ишдан бўшатиш ҳақида 1992 йил 26 майдаги буйруғи қонун талаблари бузилган ҳолда чиқарилганини кўрсатиб, бу педагогни ишга тиклаш ҳақида махсус хат юборган эди. Негадир, вилоят прокуратураси бу хатга ҳам норозилик билдириб, бекор қилди.

Хўш, Л. Шепелева ким?

Бу саволга жавоб бериш учун аввало, «Сирдаринская правда» газетасида чиққан бир мақолани эслаш ўринлидир. Бу мақолада директор Л. Шепелеванинг қатор камчиликлари, қўполлиги ҳақида ёзилган эди. Лекин унга ҳеч ким

олиб келганини тасдиқлади. Вунинг устига у Гулистон музика билим юртида ўқиётган, ҳали балоғатга етмаган ўглини ҳам расмийлаштириб, унга ҳақ ёзиб келган. Буларнинг ҳаммаси директор устидан бекорга шикоят ёзилганини кўрсатади.

Энди бу гапларни бир томонга қўйиб турайликда, директорнинг Л. Зарскаянинг ишдан ноўрин, қасддан бўшатганлиги масаласига ўтайлик. Санъат мактаби касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси О. Гафаров редакцияга ёзган хатида шундай дейди: «...Л. М. Шепелева Зарскаяни ишдан нотўғри бўшатганлигини шаҳар ҳокими ва прокурор ёрдамчиси ҳузурида тушуниб етганидан кейин ҳам бу буйруқни ўзгартиришга сақлаб қолиш мақсадида 1992 йил 17 июнь куни бизни ўз кабинетига чақирди. Шепелева ҳар галгидек бу сафар ҳам касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини ўз зиммасига олиб, қўмита аъзоларидан Зарскаяни ишдан бўшатишни ёқлаб, овоз беришларини талаб қилди. Мен бунга рози бўлмадим. Шундай бўлишига қарамай, директор Зарскаяни ишдан бўшатиш ҳақида касаба уюшмаси қўмитаси мажлиси қарор қабул қи-

савол туғилади. Сабаби шунки, Л. Шепелева унга навбатдан ташқари уй олиб бериб, тилини қисиб қўйган. Раскопатина эса ортиқча дарслар ўтаётгани учун ўзини директор олдида қарздор деб ҳисобласа керак.

Гулистон шаҳар суди И. Зарскаянинг аризасини кўриб чиқишда шу ҳолатларни ҳисобга олиши зарур эди. Афсуски, бундай бўлмади. Суд Зарская қонун асосида бўшатишга деб ҳисоблади, вилоят судининг коллегияси ҳам шаҳар суди қарорини маъқуллаб, Зарскаянинг шикоятини оқибатсиз қолдирди.

Ота-оналар Зарская, Бекмирзаев ва бошқа ишдан асоссиз бўшатишга педагогларнинг ишга тикланишини талаб қилиб, қатор ташкилотларга хатлар ёзишди. Бироқ бу хатлар оқибатсиз қолди. Л. Шепелева эса осонгина ишга тикланиб олгач, «ана кўрдингизми, мен кимман?» деб, юрибди. Азият чекканлар эса вилоят ҳокимлиги бу масалани қайтадан ўрганиб, қонунбузарларни жилоблаб қўяди, деган умидда юришибди.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
«ИШОНЧ» мухбири.

### «ИШОНЧБОЙ» ШАҲАР КЕЗАДИ

## САВДОДАГИ ГАВҒОЛАР

ЎЗБЕКИСТОН мева-сабзавот ишлаб-чиқариш концернининг маълумотига кўра Тошкент шаҳри аҳолиси учун кишга етарли миқдорда мева, сабзавот ва картошка гавлаб кўйилган. Бундан шаҳарликлар мамнун, қиш ғами ейилганидан кўнгиллари тўқ. Лекин жамғарилган ёз неъматларининг аҳолига сотишда рўй бераётган ғаройиб гавғолар кишиларни ранжитяпти. Аҳолининг савдодан кўнгли тўлмаяпти. Савдо маданиятининг пастигидан, сотувчиларнинг юлғичлигидан озор чекишяпти. «Ишончбой» Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ишчи назорати инспектори А. МУҲИДОВ бошчилигидаги бир гуруҳ текширувчилар билан бирга шаҳар кезганда бунинг жонли гувоҳи бўлди.

СОБИР РАҲИМОВ район мева-сабзавот комбинатига қарашли Мухаббат Усмонова мудир бўлган 15-магазинда сотувчи Галина Юн ҳар килограмми 9 сўм 60 тийинли пиёзни 12 сўмдан пуллаётгани текширув пайтида аниқланди. Бу магазинда картошка, қарам, пиёз, қовоқ, қовун ва узуннинг нархи ёзиб, кўрсатиб қўйилмаган. Сотувчи истаган баҳонини кўйиб сотаверади. Сотувчи Юн назорат учун қилинган битта хариддан 15 сўм 84 тийин уриб қолди.

Маҳсулотларга нарх ёзиб қўймай истаган баҳосини кўйиб сотиш ҳоллари Ҳамза районидagi 9-магазинда [мудир Л. Таргунбоев], Шайхонтоҳур районидagi 14-магазинда [мудир М. Миртожиева] ҳам рўй бермоқда.

Миробод райони мева-сабзавот комбинатига қарашли 17-магазиннинг бир дўконига текширув пайтида қизиқ воқеа содир бўлди. Пештахтада турган олмада нарх ёзилмаган. Ундан харид қилдик. Пештахта ортида турган бир кампир икки кишига савдо хизмати кўрсатди. Икки харидордан 50 сўм 39 тийин уриб қолди. Текширувда маълум бўлишича бу кампирнинг дўконига ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Сотувчи эса вақтинча ўрнига шу дўкон ёнида писта ва қурут сотиб ўтирган кампирни кўйиб кетган экан. Хариддан сўнг пайдо бўлган сотувчи аёл ўзини танитишдан, исми ва фамилиясини айтишдан бош тортиди.

Харидор ҳақида хиёнат қилиш назорат учун харид қилинган деярли барча магазинларда содир бўлди. Ҳозирда пулнинг қадрсизланганлиги юлғичларга қўл келяпти. Бир сўмгача бўлган ёки ундан ортиқ қайтими бермаслик одат тусига кириб қолганга ўхшайди. Бундай ҳол Ҳамза районидagi 1-, 2-, 6, 12-, 20-, 30-магазинларда, Шайхонтоҳур районидagi 14-, 48-магазинларда, «Ташкоопринторг»нинг 4- ва 27-магазинларида, Сирғали райони улгуржи ва чакана савдо идорасига қарашли 4-, 5-, ва 7-магазинларда рўй берди.

Янги йил эшик қоқмоқда. Эл дастурхонига сифатли мева, сабзавот, картошка етказиб бериш савдо ташкилотлари зиммасига юклатилган. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этадилар, савдода юқориди зикр қилингандек гавғоларга йўл қўймайдилар, деган умиддамиз. Умидлар оғушида шу кунларга етиб келдик. Қани бу ёғи нима бўларкин, кўрамиз.

«Ишончбой»нинг кўрган кечирганларини оққа кўчирувчи Т. АЛИМОВ.



Халқлар Дўстлиги саройида

25 декабрь

соат 18.00 да


Бобур видеофильми қўшиқларининг ижрочиси Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи мукофотининг совриндори лирик хонанда **Маъмуржон ТҲУТАСИНОВ**

куйлайди.

«Қизиқчи — 91» кўригининг совриндори **Абдулла АКБАРОВ**

«ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамблининг раққосалари иштирок этадилар **Концерт дастурини Уткир СИДДИҚОВ** олиб боради

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.



## ЖАМҒАРМА БАНКИГА ШОШИЛИНГ!


Сиз 250 минг сўмлик энг йирик ютуқнинг эгаси бўлишиңгиз мумкин!

30 декабрь соат 10.00 да Санъат саройида Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 12 фоишли ички ютуқлар заёмининг III ютуқлар тиражи ўтказилади.

Сизни катта байрам дастуринида иштирок этишга таклиф қиламиз.

## ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар бошқармаси



### 21 ДУШАНБА

**УзТВ I**  
18.00 Янгилликлар. 18.10 «Чумчуқвой». Мультфильм. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Гулдаста». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолгу оркестрининг концерти. 19.50 Инсон ва қонуни. «Тақдиринг ўз қўлингда». Видеофильм премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Учкун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 22.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 23.10 «Мингдан бир илож». Бадий фильм.

**УзТВ II**  
**«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ**  
**КУРСАТАДИ**  
18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Совга». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар». 20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Билби қўйган яшди». 21.25 Тижорат канали. «Сибай-Ғейи Ўзбекистонда». 21.40 «Лаҳза». Хабарлар. 21.50 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадий фильм.

**«Орбита IV»**  
18.00 Янгилликлар. 18.20 «Икки жуфт ва ёлғизлик». Телевизион бадий фильм. 19.30 «Симха» яхдуй куйлари ансамблининг концерти. 20.00 «Спорт уикэнди». 20.15 «Турмуш икки чакчалари». Бадий телесериал премьераси. 12-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилликлар. 21.20 Хоккей. «Известия» газетаси соврини учун халқро турнир. Финал. 2 ва 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Футбол шарҳи.

**«Дубль IV»**  
18.00—20.25  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
20.25 «Энг яхши полициячилар». Бадий фильм (Си-би-эс). 21.25 «Жосуслар уйи». «Жосуслар» телевизион туркумидан ҳужжатли фильм (Си-би-эс). 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «60 дақиқа». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс). 23.25 «Фаришталар сийлаган». В. Набоков. 00.10 «Экзотика».

### 22 СЕШАНБА

**УзТВ I**  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Концерт. 8.00 «Тонг олди». Бадий фильм. 2-серия. 9.05 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.35 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм. 10.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома». 10.40 Ҳуқуқ ва иқтисод. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Кузья учун уй». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Спортлото». 19.25 «Ўзбекистон — Ватаним меним». Республика чегара қўшинлари ҳаётидан кўрсатув. 19.50 «Кўшиқ рақса уланса». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мерос». Маҳмудхўжа Бехбудий. 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.30 «Тўғри сўзининг тўқмоғи». Бадий фильм.

**УзТВ II**  
**«ТОШКЕНТ»**  
**СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ**  
18.30 Болалар учун фильм. 19.30 «Билим сарғашмалари». 20.00 «Иқтисодчилар мактаби». 20.40 «Муסיқали меҳмонхона». 21.10 Эълонлар. «Киноингоҳ».

**«Орбита IV»**  
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 5-серия. 10.10 «Бизнинг муסיқий клуб». «440 герц». 10.50 «Муқаддас қадамжолар бўйлаб». 11.50 «Оддий хавфли саргузашт». Мультфильм. 12.00 Янгилликлар. 15.00 Янгилликлар. 15.25 «Телемика». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 5 ва 6-сериялар. 17.00 «Анастасия». Ҳужжатли фильм. 17.10 «Кўллаб муסיқалар». 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилликлар. 18.25 «Аёз жилоси». Мультфильм. 18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Сенинг қалб қўринг» (Минск). 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 «Ибодатдан нободатгача». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Саҳро». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.55 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. «Самолдор». «Искра». 23.25 «Авто-салон-92» Москвада.

си». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 3 ва 4-сериялар. 16.55 «Олтой. Йил фасллари». Телефильм. 17.05 «Бизнинг муסיқий клуб». «440 герц». 17.45 Концерт. 18.00 Янгилликлар. 18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Бир-бирига пешвоз». 18.55 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси (Австралия). 19.45 «Миниатюра». 19.55 «Мавзу». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Саҳро». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. («Одиссей», «Дягилев маркази» киностудиялари). 22.25 «Ҳарбий ревью». 22.55 «Ким эканлигини билсан». 23.05 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. «Север» — «Самолдор». 23.35 «Бир боқишда муҳаббат». Танаффус пайтида (24.00) — Янгилликлар. 00.25 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.

**«Дубль IV»**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 «Ҳақиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Артём Тарасов жавоб беради. 9.45 Ишдан бўш пайтингда. «Мушуқлар — овуноқларимиз». 10.00 «Саф-саталар». 10.30 «Фаришталар сийлаган». В. Набоков. 11.15 Мультфильм. 11.25 Фитиль-видео. «Қирол». 11.55 Кундузги сеанс. «Штемп». Бадий фильм. 13.25 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.40 «Телебиржа». 16.10 «Рост» студияси. «Кенгуру». 16.40 Янгилликлар. 16.55 Трансросэфир. «Урал-ТВ». 17.40 «Тану жоним». Омон қолишлик мактаби.

18.00—20.25  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
20.25 «Ҳақиқий изкуварлар». Бадий фильм (Си-би-эс). 21.25 «Яширинишга жой йўқ». «Жосуслар» телевизион туркумидан фильм (Си-би-эс). 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «911-халоскорлик» (Си-би-эс). 23.25 «Эдита Пьеха базми».

### 23 ЧОРШАНБА

**УзТВ I**  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Концерт. 7.55 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадий фильм. 9.05 Турк тили. 9.35 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Устоз». 10.15 «Эл хизматида». 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Уч суҳбат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Бунёдкор». 19.50 «Актёр билан учрашув». Зокир Мўминов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Қодир Махсумов. 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.30 «Қайтишни ҳаёдан чиқаринг». Бадий фильм.

**УзТВ II**  
**«ТОШКЕНТ»**  
**СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ**  
18.30 «Спринт». 18.50 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.40 Концерт. 20.50 «Ишбилармонлар». 21.35 «02» тўлқинида». 21.55 «Тогдан ҳам юксак». Бадий фильм.

**«Орбита IV»**  
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 5-серия. 10.10 «Бизнинг муסיқий клуб». «440 герц». 10.50 «Муқаддас қадамжолар бўйлаб». 11.50 «Оддий хавфли саргузашт». Мультфильм. 12.00 Янгилликлар. 15.00 Янгилликлар. 15.25 «Телемика». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 5 ва 6-сериялар. 17.00 «Анастасия». Ҳужжатли фильм. 17.10 «Кўллаб муסיқалар». 17.50 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилликлар. 18.25 «Аёз жилоси». Мультфильм. 18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Сенинг қалб қўринг» (Минск). 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 «Ибодатдан нободатгача». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Саҳро». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.55 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. «Самолдор». «Искра». 23.25 «Авто-салон-92» Москвада.

Танаффус пайтида (24.00) — Янгилликлар. Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.

**«ДУБЛЬ IV»**  
8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Параллеллар. «Кельндаги соло». Лев Копелев. 9.25 «Тану жоним». Омон қолишлик мактаби. 9.45 «Фарсмажор». 10.15 «Мегаполис». 10.45 «Эдита Пьеха базми». 11.30 Мультфильм. 11.45 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкиси». Бадий фильм. 1-серия. 12.50 «Ғап-ғаштакларни кўмсаб». 13.20 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.45 «Сигнал». 16.00 «Дераза». 16.30 «Сизнинг хусусийлаштириш чекингиз». 16.45 «Танаффус». Светлана Лазарева куйлайди. 16.55 Янгилликлар. 17.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ». 17.55 Эълонлар.

18.00—19.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
19.00 «Хэнк — қўриқчи ит». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 19.30 «Совуқ тенгликлар». «Оқшом тушабошлаган зона» (Си-би-эс).

20.00—22.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
22.00 Хабарлар. 22.25 «Бўри». Телевизион бадий фильм (Си-би-эс). 00.05 «911-халоскорлик» (Си-би-эс).

### 24 ПАЙШАНБА

**УзТВ I**  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Кекса санаткорлар». Хотам Қосимов ва Абдувоҳид Зайниддиновлар куйлайди. 7.55 «Разолат». Бадий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.30 Уқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 «Учрашув».

18.00 Янгилликлар. 18.10 Концерт. 18.40 «Деҳқон уйлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Умр сардафари». Ғайбулла Салом таваллудининг 60 йиллигига. 19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳуқуқат тадбирлари. 21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 22.00 «Прерия». Бадий фильм.

**УзТВ II**  
**«ТОШКЕНТ»**  
**СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ**  
18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Юксалиш». 19.40 «Шарқ лирикаси». Навоий. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Киноингоҳ».

**«Орбита IV»**  
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм, 6-серия. 10.10 Мультфильмлар: «Янги йил кечаси», «Майсали тузоқ». 10.40 Дилрабо концерти. 11.00 «Қазақлар...» 12.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс  
12.20 «Катта Володя, кичик Володя». Телевизион бадий фильм. 15.00 Янгилликлар. 15.20 «Телемика». 16.05 «Ен дафтар». 16.10 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 7 ва 8-сериялар. 16.45 Мазнавий ҳамжиҳатлик. 17.15 «Олеся ва компания». 17.45 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилликлар. 18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 Рождество кечаси. Р. Паулс. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Қора қут». 21.55 «Бағишлов». Телефильм. 22.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Ахборот-муסיқий кўрсатув. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилликлар. 01.05 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» кўрсатувининг давоми. «Қиролнинг тўйи». Бадий фильм (АҚШ).

**«Дубль IV»**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Ишдан бўш пайтингда. «Балиқ белгиси билан». 9.05 Варнацияли мавзу. 9.45 «Пилигрим». Россия савҳатлар бюроси. 10.30 Мультфильм. 10.40 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкиси». Бадий фильм. 2-серия. 11.45 «Бурда моден» тавсия этади... 12.15 «ТИНКО» Савдо уйи.

12.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.40 «Рост» студияси. «Таклиф этишга руҳсат этинг». 15.30 «Карвон». Телеальманах. 16.25 Янгилликлар. 16.40 «Россияда биринчи марта». 17.05 «Янги йил пирогини». 17.15 Мультфильм. 17.25 Шундай яшаймиз. «Ялангоёқлар». 17.55 Эълонлар.

18.00—18.40  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.40 «Кэттс ва кучук». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 19.10 «Кечки соя». Кинокомедия (Си-би-эс).

20.10—22.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
22.00 Хабарлар. 22.25 «Кўча воқеалари». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс). 23.25 «К-2 таништиради: «Совут». Бадий фильм; «Халқ фраки»; «Медиа».

### 25 ЖУМА

**УзТВ I**  
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Жостов жилolari». Телефильм. 7.55 «Қайтишни ҳаёдан чиқаринг». Бадий фильм. 9.10 Инглиз тили. 9.40 «Адолат». Ҳуқуқий видеоанал. 10.30 Болалар учун. «Севара рақса тушади». 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Наташа учун эртаки». Мультфильм. 18.20 «Футбол-92». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.20 «Шифокор олим». Профессор Носир Аҳмедов. 19.55 Мумтоз куйлар кечаси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ). 21.30 «Онтаро соҳилида бўлган воқеа». Бадий фильм.

**УзТВ II**  
**17.00 Ашғобот кўрсатади.**  
**«Орбита IV»**  
6.00 Янгилликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгилликлар. 9.20 Мультфильмлар: «Арча чироқлари порлаганда», «Арча ўрмонда турилган». 9.45 «Сайёҳатчилар клуби». 10.35 Концерт. 11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс  
1.20 «Бу гўзал ҳаёт». Бадий фильм (АҚШ). 14.30 «Стингерлар саргузаштлари». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 14.45 «Мартишка ва сивизга». Мультфильм. 15.00 Янгилликлар. 15.20 «Бридж». 15.45 «Бизнес-класс». 16.00 «Ен дафтар». 16.05 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 9 ва 10-сериялар. 16.45 Концерт. 16.55 «Марказ». 17.35 «Технодром». 17.45 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгилликлар. 18.20 «Иқтисодий клуб». 19.20 «Инсон ва қонуни». 19.50 «Мўжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.20 «Детективлар клубида». «Эротик томошалар». Телевизион бадий фильм премьераси. «Линда» сериалидан (Венгрия). 22.15 «Федоскино санъати». Телефильм. «Манбалар» туркумидан. «ВИД» таништиради: 22.35 «Сийёсий бюро». 23.05 «Музобоз». 23.45 «Ҳафтаннинг машҳур кишиси». 00.35 «Авто-шоу». 00.50 «Обоз» майдони. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилликлар.

**«Дубль IV»**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Ишдан бўш пайтингда. «Телесторсервис». 9.10 «Оқ қарға». 9.55 «Тилла шпора». 10.25 «Маски-шоу». 10.55 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 11.55 Кундузги сеанс. «Инженер Гариннинг гиперболоиди». Бадий фильм. 13.30 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.55 «Телебиржа». 16.00 «Рост» студияси. «Тонлабирнинг». 16.30 Янгилликлар. 16.45 «Янги йил пирогини». 16.55 Трансросэфир. «Москвагача олис». 17.40 «М-трест». 17.55 Эълонлар.

18.00—19.10  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Рождество юлдузи». Бадий фильм. 1-серия. 20.00 Спорт кўрсатуви. 20.05 «Ҳар бир кун Рождество». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 20.35 «Сандиқ». «Оқшом тушабошлаган зона» саргузашт туркумидан фильм (Си-би-эс).

21.05—22.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
22.00 Хабарлар. 22.25 «Бизамберглик маҳлуқ». «Европа полициячилари» туркумидан бадий

фильм (Си-би-эс). 23.25 Парламент хабарномаси. 23.40 «Апачиларнинг энг охириги». «Порох ҳиди» туркумидан саргузашт фильм (Си-би-эс). 01.20 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

### 26 ШАҒНА

**УзТВ I**  
7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Усмирлар коинотда». Бадий фильм. 9.15 «Алифбо сабоқлари». 9.45 «Ҳужжатли экран». «Ўзбектелефильм» студиясида яратилган фильмлар ҳақида. 10.45 Болалар учун. «Эртақлар — яшайликка етаклар». 11.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мўжизалар маскани». 12.15 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 12.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» 13.45 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 14.15 «Хотира». Тўғон Эрзаевлар. 14.45 «Юртим фаровонлиги — мен учун бахт». Тижорат канали. 15.10 «Қизилжар чорвадорлари ҳузурда». 18.05 «Кузьянинг қайтиши». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла! Изла! Топ!» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бахтиёр». «Ўзбектелефильм» премьераси. 19.55 «Тилга эйтибор». 20.30 «Туркистон ахбороти». 21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Еқубов куйлайди. 21.50 «Бахт кулиб боққанда». Бадий фильм.

### 27 ЯҚШАНБА

**УзТВ II**  
**18.05 Бишкек кўрсатади.**  
**«Орбита IV»**  
6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилликлар. 8.30 «Моторлар оламида». 8.00 «Марафон-15» — кичкинтойлар. 9.25 «Эльдорадо». 9.55 «Шанба кунги дастхат». 10.25 «Инсон институти». 11.10 «Билан етиб олиш мумкин...» 12.30 «Қардон дўстлар қироллиги». Мультфильм премьераси (АҚШ) 13.25 «Муסיқий дўкон». 13.55 «Қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.45 «Матбуот-экспресс». 15.00 Янгилликлар. 15.20 «Марказий экспресс». 15.50 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция). 16.10 «Витория». Муסיқий томоша. 17.35 «АБВГД ЛТД» телесериали. 10-серия. 18.05 «Қизил квадрат». 18.40 «Қоламбик пикчер» таништиради: Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тутси». Бадий фильм (АҚШ). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилликлар. 21.25 «Актёрлар, актёрлар, актёрлар...». А. Папанов. 22.25 «Европа плюс». 23.25 «Мен сизни севардим...». А. Пушкин. 24.00 Янгилликлар. 00.35 Охириги киносеанс. «Сенинг исмиң — бокира». Телевизион бадий фильм (Куба).

**«Дубль IV»**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
8.00 Хабарлар. 8.20 «Спорт олами» «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан». 8.50 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 9.20 «Янги йил пирогини». 9.30 «Агар сиз...» 10.00 «Плюс ўн бир» видеоанали. 11.15 «Мактаб йирик планда» (Янги йил компоти) ёки «Кириш мумини». 12.00 Кундузги сеанс. «Тилла пиллаполарда ўтирадидилар...». Бадий фильм. 13.10 «В. Верещчин ватанида».

13.40—16.10  
**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING**  
**«ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
16.10 Мультфильм.

16.20—18.20  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.20 «Сени севардим». Бадий фильм (Си-би-эс). 20.00 «Нокторн». Видеолава. 20.25 «Хеллграмайт услуби». «Оқшом тушабошлаган зона» саргузашт фильмлар туркумидан (Си-би-эс). 20.55 «Эни ва Энданнинг саргузаштлари». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Сехрли қаср». Дам олиш кўрсатуви (Си-би-эс).


8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Санников ери». Бадий фильм. 10.00 «Биргаликда куйлаймиз». 10.30 «Шохрух» клуби. 11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 12.05 «Чорвадор». 12.35 «Муסיқий учрашувлар». 13.15 Тижорат канали. «Иқтисодий ислохот йўлидан». 13.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мардлар қўриқлайди Ватани». Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда видеоанал. 16.00 Тижорат канали. «Учкўприк неъматлари». 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшигим — жон қўшигим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фан». Телеойнома. 19.50 Концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 21.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оқ йиртқиқ ови». Бадий фильм.

### 28

**УзТВ II**  
**9.05 Бишкек кўрсатади.**  
**«Орбита IV»**  
6.25 «Рухни чиққитириш». 7.55 Янгилликлар. 8.40 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Доира тоғларга чорлайди» (Ўзбекистон). 9.05 «Соло». 9.35 «Эрта саҳарлаб». 10.05 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 8-кўрсатув. 10.35 «Ақлли болалар» ва «ақлли қизлар». 11.15 «Пи» белгиси билан». 12.05 «Қора кўрмак от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 24-серия. 12.30 «Технодром». 12.40 Янги авлод танлайди. «КТВ-1 ҳамда «Франс интернациональ» канали таништиради: 13.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.30 «Янгра, гармонь!» 15.00 Янгилликлар. 15.15 «Сайёҳатчилар клуби». 16.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Панорама». Ҳарфалик халқро кўрсатув. 18.45 Янгилликлар. 19.00 Уолт Дисней таништиради. 19.50 «Иш».

**Яқшанба кинокўрсатувлари:**  
20.00 «Икс» программаси. 20.15 «Улаб гладиаторлар зафарни». Бадий фильм (Италия — Испания). 22.00 «Якунлар». 22.45 «Эндиликда». Диний кўрсатув. 23.45 «Телелогия». 24.00 Янгилликлар. 00.15 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

**«Дубль IV»**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
8.00 Хабарлар. 8.20 «Дилкаш суҳбатлар». 3-кўрсатув. 8.50 Христианлар учун кўрсатув. 9.35 Фольклор



## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

30 декабрь соат 10.00 да Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 12 фоишли ички ютуқлар заёми учинчи тиражи ўтказилади.

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг. Янги йил арафасида 250 минг сўмлик бош ютуқ Сизга насиб этса ажаб эмас.

Заём облигациялари барча жамғарма банкларида эркин сотилади ва сотиб олинади.

Республика заёми облигацияларини сотиб олиб Сиз ўлкамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

## СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тиражда қатнашишга таклиф этамиз.

Ўзбекистон жамғарма банки



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ  
ВАЗИРЛИГИ

М.КОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ

Халқлар Дўстлиги саройида

27 декабрь

соат 16.00 да

### ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Тожикистон халқ артисти  
**Жўрабек НАБИЕВ**  
КОНЦЕРТИ

«Шодлик» Давлат ашула ва рақс ансамблининг раққослари

«Қизиқчи — 91» кўригининг ғолиби

**Ҳамиджон АЗИМОВ**  
иштирок этадилар

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

## БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси тахририяти қисқа муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар)ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрлиқлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани

МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳар,

Правда Востока кўчаси, 24 уй.

Маълумот учун телефон: 56-87-59.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



● Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибхона — 56-87-59

### БЎЛИМЛАР

● Ижтимоий, иқтисодий ва социал масалалар — 56-82-79.

● Маънавият маданият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;  
Гулистонда — 2-10-02;  
Жиззахда — 2-39-54;  
Наманганда — 6-22-10;  
Нукусда — 4-19-97;  
Самарқандда — 35-63-64;  
Термизда — 2-70-07;  
Тошкентда — 56-87-59;  
Урганчда — 6-87-82;  
Фарғонада — 4-47-73;  
Қаршида — 5-33-71.

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воқеачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоннома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

● ДЎШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 18-декабрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:  
Турғун Назаров,  
Жонрид Абдуллахонов.

### МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24-уй.

● Буюртма Г-539

● 101210 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12